



ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ТАЛАБАЛАР ТАЙЁРГАРЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ВОСИТАСИ

М.Собиров
ТДПУ изланувчиси

Анотация: *ушбу мақолада техника олий таълим ташкилотлари талабаларини тайёргарлигини амалга ошириш воситалари, олий таълим тизимидаги ўрни ва ахамияти юзасидан фикрлар келтирилган.*

Калит сўзлар: *АКТ компонентлари, горизонтал даража, вертикал даража, технологик ва дидактик, интерфаол таълим, информацион таълим.*

СРЕДСТВА ОБУЧЕНИЯ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗОВ

Собиров Муслимжон Мухсинжон Ўғли
Кандидат ТГПУ

Аннотация: *В данной статье представлены представления о непротиворечивости, месте и важности преподавания информатики и информационных технологий в системе высшего образования.*

Ключевые слова: *компоненты ИКТ, горизонтальный уровень, вертикальный уровень, технологическое и дидактическое.*

MEANS OF TRAINING OF STUDENTS OF TECHNICAL HIGHER EDUCATION ORGANIZATIONS

M.Sobirov
Kondidat TSPU

Annotation: *This article provides ideas on the consistency, place and importance of teaching computer science and information technology in the higher education system.*

Keywords: *ICT components, horizontal level, vertical level, technological and didactic*

Таълим жараёнини ахборотлаштириш, электрон дарсликлар, ўқув методик мажмуаларни яратиш бўйича республикамізда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Н.И.Тайлақовнинг “Ўзлуксиз таълим тизими учун ўқув адабиётларини янги авлодини яратишнинг педагогик



асослари” мавзусидаги тадқиқот ишида ўқув адабиётларини янги авлодини яратиш бўйича фикрлар берилган[3].

Қ.Т.Олимов томонидан махсус фанлардан ЭДларни яратиш тамойилларини технологияси ҳамда уларни экспертизадан ўтказиш услубияти ишлаб чиқилган [2].

А.А.Абдуқодиров ўзининг докторлик диссертациясида физика-математика ўқитувчиларини касбий тайёрлашда компьютерлардан фойдаланишни ташкил этишнинг восита ва усуллари ҳақида сўз юритади. Қўйилган муаммони назарий жиҳатдан таҳлил этиш натижалари физика-математика ўқитувчиларини ҳозирги замон компьютер техникасидан фойдаланиш, яъни таълим, назорат, моделловчи ва бошқа дастурий воситалардан фойдаланиш асосида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш ва жадаллаштириш муаммосини кенг кўламда ҳал этиш имконини беради [1].

У.Ш.Бегимқулов олий таълимни электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда бошқариш, таълим жараёнларини ахборотлаштириш, таълим жараёнининг ягона ахборот таълим муҳитини яратиш бўйича ишлар олиб борган.

У.Юлдашев, Д.Абдурахимов ўз тадқиқотларида ахборот технологияларидан таълим тизимида фойдаланиш, ягона ахборот маконини яратиш ҳамда ресурс ва гибрид, интеллектуал тизимлараро муносабатлар, эксперт-ўқитиш тизимларини ўрганган[4].

Ф.М.Закирова виртуал дидактик карточкаларни яратиш, информатикани ўқитиш методикаси ҳамда электрон ўқув ресурсларини яратиш ва уларга қўйиладиган талаблари ишлаб чиққан.

Е.И.Машбиц, Н.Ф.Талызиначилар ўз тадқиқотларида педагогик дастурий воситаларнинг методологик асосларини ўрганиб, ўқув жараёнига компьютерларни татбиқ этилишини илмий асослаб беришган.

А. И. Субетто [5] ахборот тушунчасини ҳар хил нуқтаи назардан таҳлил этади, ўқитиш тизимининг атрибутив ва функционал кибернетик ёндашуви бўйича ўз фикрларини беради. Атрибутив ёндашув мантиғини ахборот тузилиш, тартиб, хилма -хиллик, ташкилот ва бошқалардан ташкил топган материянинг хусусияти сифатида изоҳлайди. Иккинчи (функционал-кибернетик) ёндашув моддий тизимларнинг маълум бир синфининг хусусиятини бу тизимларнинг шаклланиши, ривожланиши, уларнинг ўзлари ва ташқи дунё ўртасидаги функционал таъсири жараёнида пайдо бўлган ва бойиган хусусият сифатида кўриб чиқади.

Таълим жараёнининг ривожланишига сабаб бўлаётган асосий жиҳатлардан бири бу таълим жараёнларини ахборотлаштириш ҳисобланади. Ахборот коммуникация технологиялари таълим жараёнининг



барча иштирокчиларига янги имкониятларни тақдим этмоқда. Бу албатта таълим муассасасининг имконият даражасидан келиб чиққан ҳолда таълим жараёнларининг ахборот ва методик таъминотини амалга ошириш билан боғлиқ.

Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминоти деганда ўз навбатида меъёрий-ҳуқуқий, ахборот-статистик, ўқув-ташкилий каби материалларни қамраб олган ахборот таъминоти, шунингдек илмий-педагогик, ўқув-методик каби маълумотларни қамраб олувчи ўқув-методик таъминоти тушунилади.

Таълим жараёнларининг ахборот таъминоти олий таълим муассасасини ягона ахборот муҳитини босқичма-босқич шакллантиришга йўналтирилиб, таълим ва тарбиявий, илмий, бошқарув ва бошқа жараёнларда ахборот алмашиш интенсивлигини ошириш, автоматлаштириш имконини беради. Таълим жараёнининг барча субъектлари талабалар, профессор-ўқитувчилар, ишчи-ходим ва раҳбар кадрлари учун ягона ахборот муҳитини яратиш - таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминотини яратиш ҳисобланади.

Таълим жараёнларининг ахборот-методик таъминоти қуйидаги имкониятларни беради:

- ахборотни тезкор алмашиш ва масофадан туриб бошқариш;
- электрон . алмашинуви ва ҳужжатларни сақлаш;
- ташқи фойдаланувчилар ва ҳамкор ташкилотлар учун ОТМ ахборот ресурсларини тақдим этиш;
- ОТМ нинг барча ўқитувчилари, ходимлари ва талабалар учун Интернет ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратиш;
- масофадан туриб ўқув-методик ресурсларни ягона муҳитда киритиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш имкониятининг мавжудлиги;
- турли электрон таълим ресурслари(электрон материаллар, тақдимотлар, аудио ва видеодарслар)дан масофадан фойдаланиш;
- масофавий таълим тизимини йўлга қўйиш;
- турли соҳадаги талабаларни тайёргарлик ва ўзлаштириш даражасини назорат қилиш;
- турли статистик сўровларга аниқ, тез ва сифатли жавоб олиш.

Барча йўналишлар бўйича ўқув дастурларни самарали жорий этиш, ўқув машғулотларини ўтказиш, ўқувчиларнинг барқарор билим ва кўникмаларни ривожлантириш мақсадида ўқув дастурий маҳсулотлар, видеофильмлар, аудио воситалар фаол тарзда ишлатилиши ҳамда улардан фойдаланиш имкониятлари яратилиши зарур.

Таълим жараёнларининг замонавий ахборот-методик таъминоти ўзида ҳам ахборот таъминоти элементларини ҳам методик таъминот

элементларини камраб олиб, портал технологияларга асосланган ягона муҳит ҳисобланади (1.1-расмга қаранг).



1.1– расм. Таълим жараёнларининг замонавий ахборот-методик таъминоти таркиби

Таълим жараёнларининг **ахборот -методик таъминоти** деганда, Давлат таълим стандарти ва фан дастурида белгиланган талаблар асосида талабалар томонидан эгалланиши лозим бўлган билим, кўникма ва малакаларни компетентлик даражасида ривожлантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратини амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-методик манбалар, электрон дарсликлар, дидактик воситалар ва материаллар, баҳолаш мезонларини ўз ичига олади[6].

Таълим жараёнларининг ўқув-методик таъминоти Давлат таълим стандарти асосида тузиладиган фан дастурига мувофиқ ҳамда шахсга йўналтирилган, ривожлантирувчи ва замонавий ахборот-коммуникация муҳитидаги мустақил таълим олиш технологиялари, тамойиллари ва талаблари асосида ишлаб чиқилган **ўқув-илмий ресурслар, электрон дарсликлар, электрон деканат (шахсий иш режа, журнал, педагогик амалиёт, дарс жадвали), педагог ходимлар фаолиятини баҳолаш ва электрон кутубхона компонентлари**дан иборат.

Таълим жараёнларининг **ўқув-илмий ресурслари** қуйидагилардан иборат.



Меъорий ҳужжатлар компоненти - титул варағи; Давлат таълим стандартига мос равишда яратилган *фан дастури*; фаннинг мақсади, вазифаларини, маъруза, семинар, амалий ва лаборатория машғулотларининг мазмунини, назорат ҳамда курс ишларининг мавзуларини, масалалар, топшириқларни, якуний назорат саволларини ва фаннинг ўқув-методик таъминоти, мустақил таълимни ташкил этишга доир йўриқномани ўзида мужассамлаштирган *ишчи дастур*;

Асосий мазмунни белгиловчи компоненти - дарсликлар, ўқув қўлланмалари ва хорижий ўқув материаллари билан бойитилган ўқув материаллари; лаборатория ва амалий (семинар) машғулотлари мазмуни ва методик таъминоти; мустақил ишларни мазмуни;

Дидактик компоненти – ҳар бир мавзу бўйича тақдимотлар, малака ва кўникмаларни шакллантирувчи дидактик материаллар, мавзунини ўзлаштириш учун қўшимча аудио ва видео материаллар, кейс топшириқлари, глоссарий(ўзбек, рус ва инглиз тилида) ва х.

Методик компоненти - ўқув-услубий харита ва календар тематик режалар асосида тайёрланган ўқитувчига мўлжалланган методик компонент; машғулотларда педагогик ва ахборот технологияларини қўллаш бўйича методик кўрсатмалар; ўқув-малакавий амалиёт дастури, уни ташкиллаштириш бўйича методик қўлланма;

Баҳолаш компоненти - фан бўйича жорий, оралиқ ва якуний назоратлар бўйича баллар тақсимоти, топшириқлар тури, баҳолаш мезонлари; жорий, оралиқ ва якуний назорат бўйича саволлар; назарий ва амалий ўқув материалларини ўзлаштирилганлик даражасини аниқлашга қаратилган назорат топшириқлари ва тестлар, курс иши мавзулари ва х.к.

Қўшимча компоненти – фан бўйича хорижий адабиётлар, Интернет манбалари, қўшимча ўқув ва илмий материаллар(мақола ва б.) ва х.к.

Фан, техника ва технологиялар тараққиётининг бугунги даражаси билан бўлажак ўқитувчиларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш жараёни орасидаги мавжуд номувофиқликни бартараф этиш зарурати олий таълим тизимида замонавий педагогик ва ахборот технологияларининг етарли жорий этилмаганлиги сабабли янада юқори долзарблик касб этмоқда.

АДАБИЁТЛАР:

1.Турченко, Л.Н. Модель организации профильного обучения во взаимосвязи школы, вуза и центра дополнительного образования [Текст] /Л.Н. Турченко // Вестник СевКавГТУ. Сер. «науки». - 2004. - №2. - С. 2-3.



2.Фаронов, В.В. Delphi 5. Руководство разработчика баз данных [Текст] /В.В. Фаронов, П.В. Шумаков. - М.: Нолидж, 2000. - 640с.

3.Филиппова, Э.В. Словарь слов и терминов, используемых в педагогической деятельности [Текст] / Э.Ф. Филиппова. Ярославль.: ИРО, 2003.-25с.

4.Шумаков, П.В. Delphi 3 и разработка приложений баз данных [Текст] /П.В. Шумаков. - М.: Нолидж, 1998. - 704с.

5.Hutmacher, Walo. Key competencies for Europe [Текст] / Walo Hutmacher / /Report of the Symposium Berne, Switzezland 27-30 March, 1996. Council for Cultural Co-operation (CDCC) a //Secondary Education for Europe Strsburg. - 1997.-С 11-21.

6.While, R.W. Motiyation reconsidered: The concept of competence [Текст] /R.W. While / / Psychological reiew. - 1959. - N2 66. - С 14-19. <https://moluch.ru/conf/ped/archive/146/6993>

7.Куйчиева М.А., Д.Эшматова. Development of Professional and Methodical Competence of Future Biology Teachers in Extracurricular Activities // Web of Scientist: International Scientific Research Journal 2022. March 25 th,2022. ISSN:2776-0979, 113-117